Куч — адолатда

2013 йил
22 ноябр,
жума
№ 47 (456)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юртимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини изчиллик билан ривожлантириш имконини бермоқда. Бу халқимизнинг обод ва фаровон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бугун бизга дунё ҳавас қилаётгани, мустақиллик туфайли халқимиз эришаётган мислсиз ютуқларга, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, бунёдкорликка, аввало, Конституциямизда ўз ифодасини топган ҳуқуқларимиз туфайли эришмоқдамиз.



БУНЁДКОРЛИКДАН ОБОД МАНЗИЛЛАР

2013 йил — Обод турмуш йилини ҳам халқимиз беқиёс ўзгариш ва катта ютуқлар, мамлакатимиз қудратини дунёга танитадиган улкан яратувчанлик ишлари билан якунламоқда. **"Обод турмуш йили"** Давлат дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг тўққиз ойида иқтисодиётнинг турли соҳаларида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бандлигини оширишга қаратилган қатор қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 5,6 триллион сўм ва 250 миллион доллар йўналтирилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 833,4 мингта иш ўрни, шу жумладан, қишлоқ туманларида 488 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Аҳоли иқтисодий фаоллигининг ўсиши натижасида мамлакатимизда аҳоли бандлиги 2,5 фоиз, иш ҳақи 17,3 фоиз, пенсиялар ўртача ҳажми 27,8, аҳолининг жами реал даромади 15,9 фоизга ошди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ, ҳисобот даврида қиймати 1,2 триллион сўм ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилди, 5,5 мингта уй фойдаланишга топширилди. Республика бўйича 8,4 миллион квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 6,3 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Бу мамлакатимизда қишлоқларни комплекс ривожлантириш, замонавий уй-жойлар бунёд этишнинг мустаҳкам тизими шаклланганлиги натижасидир. Бундай турар-жойлар учун ер мавзелари танлаш, қуриш ва молиялаштириш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Такомиллашаётган қонунлар

ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга кенг йўл очмоқда

Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Албатта, бундай ўзгариш ва янгиланишлар истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, умуммиллий бойлигимиз саналадиган ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, деҳқон ва фермер хўжаликларига қулайлик ва имкониятлар яратиб беришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, бу борада қонун ҳужжатларининг изчиллик билан такомиллаштириб борилаётгани тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Айтиш керакки, 2013 йил 22 августда Сенат томонидан маъқулланган ҳамда 7 октябрдан расман кучга кирган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлди, десак хато бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу янги қонун билан амалдаги **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги, **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"**ги, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги, **"Реклама тўғрисида"**ги, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги, **"Суғурта фаолияти тўғрисида"**ги қонунларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йилларида барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришди. Энг муҳими, ушбу ютуқ ва марраларнинг асосида турган "ўзбек модели" халқаро ҳамжамият томонидан тараққиётнинг янги шакли сифатида эътироф этилмоқда.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Тараққиётимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

Албатта, бундай кенг кўламли муваффақиятларга эришишда давлатимиз Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу маънода, Конституциямиз миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида ижтимоий-сиёсий соҳада кенг имконият яратиб бермоқда, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Унда халқ ҳокимияти асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқ норма ва қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналарига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга айнан мос келади.

Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Асосий Қонунимизнинг яратилиш тарихи ва уни такомиллаштириш жараёнлари ҳамда унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида сўз юритмоқчимиз. Зеро, ушбу тарихий ҳужжат бугун ва эртамиз учун ҳуқуқий кафолатдир.

Айтиш керакки, Конституцияни яратиш ғояси илк марта 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида тилга олинган эди. Ушбу сессияда собиқ совет республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилди. Ҳали иттифоқ ўз кучини йўқотмаган ўша кунларда Ўзбекистонда Президент лавозимининг жорий этилиши мамлакат раҳбари бошчилигида мустақиллик сари ташланган дадил қадам эди. Бинобарин, республикамизда Президент лавозими жорий этилиши, моҳият-эътибори билан, ўша пайтда ҳукмрон бўлган коммунистик бошқарувни инкор этиш, халқни янги тараққиёт сари бошлаш йўлида катта журъат ва жасорат ифодаси сифатида тарихга кирди. Чунки президентлик бошқаруви бу моҳият-эътибори билан янги, демократик бошқарув ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилган. Хўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими бунинг узвий бир қисми бўлиб, адлия идоралари ушбу йўналишда изчил фаолият юритмоқда.

Qonun ko`magi

Жамият ривожининг етакчи кучи

Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари алоҳида назоратга олинган бўлиб, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида улардан келиб тушган 1,5 мингдан ортиқ аризанинг 80 фоизидан ортиғи қаноатлантирилди. Хусусан, "Шеробод улгуржи чакана матлубот савдо" масъулияти чекланган жамияти ва "Халқ банки"нинг Шеробод филиали ўртасида имзоланган кредит шартномаси банк томонидан бажарилмаган. Натижада масъулияти чекланган жамият манфаатларини кўзлаб, адлия бошқармаси томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судига кредит шартномасини асл ҳолича бажариш мажбуриятини юклашни сўраб, даъво аризаси киритилди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилди.

(Давоми учинчи бетда)

Mas`uliyat va majburiyat

Йўл ҳаракати қоидалари

унга қатъий риоя этиш ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиб, узоғимизни яқин, оғирмизни енгил қиладиган транспорт воситаларининг сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Транспорт воситалари хусусида сўз борар экан, биринчи навбатда, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиш, йўловчилар ва ҳайдовчилар ҳаётининг хавфсизлигини, йўлларда эркин ҳаракатланишни таъминлаш ғоятда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойилига мувофиқ амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Fuqarolik qonunchiligi

Қонуний тузилган битим

ортиқча оворагарчиликка ўрин қолдирмайди

Айтиш жоизки, бу борада Фуқаролик, Уй-жой кодекслари муҳим ўрин тутади. Жумладан, ушбу қонун ҳужжатларида фуқароларнинг кўчмас мулкка оид муносабатларини тўғри ташкил этишга қаратилган меъёрлар жамланган. Буларни билиб, улардан ўз ўрнида фойдаланган фуқаролар ўз ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлайди.

(Давоми учинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 21 yilligiga

Тараққиётимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўша оғир йилларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ҳам юқори турадиган турли қатағон органлари марказда пичоғини қайраб турарди. Бунинг устига шу кезларда турли шаклдаги дўқ-пўписалару маломат тошлари Президентимизга отилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Бу тошлар азоб-уқубатлардан энди қутулиб, кўкрагини кўтараётган халқимизга ҳам келиб тегаётганди. Бундай фитна ва найрангларга чек қўйиш мақсадида ва мустақиллик халқ иродаси даражасига кўтарилиши лозимлигини чуқур англаган Президентимиз тавсияси билан 1990 йил июнь ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш бўйича 64 кишилик комиссия таркиби тасдиқланди.

Мазкур комиссия раиси — Ислом Каримов бошчилигидаги олимлар, мутахассислар, хорижий экспертлар Конституция лойиҳаси устида икки ярим йил давомида тинимсиз меҳнат қилдилар.

Бутун халқимиз иштирокида Конституция лойиҳаси мукаммал ҳолатга келтирилди, бу борада дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибаси ўрганилди. Аниқроқ айтганда, дастлабки босқичнинг ўзида 97 та хорижий давлатнинг Конституцияси ўрганиб чиқилди. Ана шундай изчил изланишлар натижаси ўлароқ, 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси тайёр бўлди. Шу куннинг ўзида умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Тез орада комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 га яқин хат келиб тушди. Умуман, юртдошларимиз билдирган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.

Халқимиз иштирокида янада такомиллаштирилган лойиҳа ўша йилнинг 21 ноябрида матбуотда эълон қилиниб, иккинчи бор умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Конституция лойиҳасининг иккинчи варианти 158 моддадан иборат бўлиб, Президентимиз комиссия раиси сифатида ўнлаб моддаларга таҳрир киритиш зарурлигини таклиф этди. Матнлар катталиги ҳамда такрорланаётган фикрлар устида жиддий ишланиши, аниқлик киритиш зарурлиги кўрсатилди. Шу ўринда учинчи ва тўртинчи вариантдаги лойиҳалар ҳам Давлатимиз раҳбари бошчилигида жиддий ва атрофлича муҳокама қилинганини айтиш зарур. Хусусан, комиссия раиси томонидан учинчи вариантга 63 та, тўртинчисига 77 та принципиал ўзгартиш ва муҳим қўшимчалар киритилди. Масалан, ушбу ҳужжатнинг муқаддимаси **"халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда"** деган сўзлар билан тўлдирилди. Унинг 1-моддасидаги "Ўзбекистон — демократик республика" жумласига **"суверен"**, деган сўзни қўшиб қўйди. Яна бир мисол. Лойиҳанинг 4-моддасида "Унинг ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, тилларни ривожлантириш учун шароит яратилади" дейилган эди. Президентимиз ушбу хатбошининг ўрнига **"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"**, деб ёзиб қўйди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шуларга асосланиб ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Президентимиз Конституциянинг ҳар бир моддасини чуқур асослаш ва такомиллаштиришга бевосита бош-қош бўлди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Халқимиз ақл-закосининг маҳсули бўлган ушбу ҳужжат миллий ва умуминсоний тажрибани ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам жуда аҳамиятлидир. Олти бўлим, йигирма олти бобдан иборат, 128 та моддани ўз ичига олган Асосий Қонунимиз, мана, 21 йилдирки, Ватанимиз тараққиёти йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мазкур ҳужжатга бир неча марта ўзгартишлар киритилгани, улар бугунги кунга келиб ўзини тўла оқлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Профессионал, доимий ишловчи парламентга бўлган эҳтиёж, қонунлар сифатини ошириш, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини ривожлантириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, ҳукумат масъулиятини ошириш мақсадида парламент, Президент, ҳукумат фаолиятига ва сайлов тизимига тааллуқли ўзгартишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлди. Шулардан бири ҳокимиятни самарали ташкил этиш, бунинг учун ҳокимият органларининг тизимини вужудга келтириш, жамият ва давлат фаолиятига тааллуқли кўплаб масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини яратиш зарур эди. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда дастлаб бир палатали парламент ташкил этилди. Унда депутатлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришди. Муҳими, улар бу даврда парламент мактабини ўтади, профессионал фаолият учун кўникма ҳосил қилди. Энди эса қонунлар сифатига кўпроқ эътибор бериш, парламентнинг муттасил фаолият юритиши ва унда доимий вакиллик мутаносиб бўлиши зарур эди. Шундан келиб чиқиб, икки палатали парламентни шакллантирувчи қоидалар Конституциямизга киритилди. Ушбу ўзгартишлар Олий Мажлиснинг икки палатали бўлишини, яъни доимий ишловчи ва профессионал Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда тенг ҳудудий вакиллик бўлишини таъминлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси асосида Конституциямиз мазмунан янада бойитилди. Бу ўзгартишлар Президент мақомига, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ваколатларини ва масъулиятини кучайтиришга, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Конституциямизнинг 98-моддасига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Умуман олганда, ўтган йиллар мобайнида Конституциямизга киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар ҳозирги пайтда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонун устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш, қисқача айтганда, юртимизнинг дунёдаги нуфузини янада оширишда дастуриламал ҳужжат вазифасини ўтаб келмоқда.

Дарҳақиқат, Конституциямиз ҳар томонлама мукаммаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатлангани соҳа ислоҳотлари жараёнида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Бу эса амалиётда одил судловни холис, юқори савияда амалга ошириш имконини бермоқда. Конституциямизнинг 112-моддасида ҳам шунга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб белгилаб қўйилган.

Конституциямизда, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди. Мисол учун, 1993 йилда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонун одил судловни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, суд мустақиллигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. 2000 йилда ушбу Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унга кўра, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.



Жиноят-процессуал қонунчилигига апелляция институти киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур институт суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан берилган шикоят, протестларини тўлиқ текшириш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўришга юбормасдан йўл қўйилган камчиликни тузатиш, процессуал қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш, ҳукмни тўлдириб, ўзгаришсиз қолдириш ёки суд ҳукмини бекор қилиб, қонуний асослар мавжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди. Ўтган йиллар ичида юзлаб жиноят ишлари белгиланган муддатларда ҳал қилиниб, қонуний тўхтамга келишга эришилганлиги ҳам бу институт нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Асосий Қонунимиз асосида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим ўрин тутди. Унга кўра, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигидан молмулкни мусодара қилиш тартиби чиқариб ташланди. Бу эса жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мазкур янгилик хусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келади.

Конституциямизда инсонпарварлик тамойиллари етакчилик қилиши ҳеч кимга сир эмас. У асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ушбу тамойил устувор эканлиги кўзга яққол ташланиб туради. Жумладан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниши ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари суд қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Ҳозирги пайтда бу механизм фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий Қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Бу янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказган зарарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси шундаки, мазкур институт қўлланила бошлаганидан буён 147 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур дастуриламал ҳужжат асосида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Нега деганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу Қонун билан "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини кенгайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий Қонунимиз туб замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзу-ўйларини рўёбга чиқариш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдек улуғвор мақсадлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 19 ноябр сонидан олинди.)

Yangi qonun mohiyati

Такомиллашаётган қонунлар

ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга кенг йўл очмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бўладиган ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида юқорида номи қайд этилган янги қонун билан Хўжалик процессуал кодекси, Божхона кодекси ва **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилишини назарда тутувчи тегишли модда билан тўлдирилди. Шунингдек, ушбу Фармонда юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш назарда тутилганлиги сабабли "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасидан реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар — юридик шахсларга нисбатан ваколатли давлат органи томонидан қўлланадиган жарима билан боғлиқ меъёрлар чиқариб ташланди. Мазкур моддада реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар — юридик шахсларнинг қуйидаги ҳолларда, хусусан:

- реклама берувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса;
- реклама тайёрловчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун;
- реклама тарқатувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун;
- реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи — жисмоний шахслар нотўғри реклама берганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз вақтида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик, реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўлишига оид меъёрлар белгилаб қўйилди.

Шунинг баробарида реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар — юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши, маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги уларни ваколатли давлат органининг қарорини ёки кўрсатмасини бажариш ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод қилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Маълумки, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасида хусусий банк ва молия институтларининг фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Ўз навбатида, ушбу меъёр "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг тегишли моддасига ўзгартириш киритиш заруратини вужудга келтиргани сабабли, ушбу қонуннинг "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш" деб номланувчи 39-моддаси хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар беш йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар назарда тутилган. Ушбу Фармонга илова сифатида келтирилган Дастурда пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадларини солиқдан озод этиш назарда тутилганлиги муносабати билан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадларини солиқдан озод этиш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб даъво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилганлигини эътиборга олиб, Солиқ кодексининг тегишли моддалари Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари — фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиниши тўғрисидаги норма билан тўлдирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жамиятда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга хизмат қилади. Бу бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини оширишга, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга, аҳолининг бандлиги ва унинг даромадлари ошишини таъминлайди.

Улуғбек АЛОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Qonun ko`magi

Жамият ривожининг етакчи кучи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шаҳрисабз туманида фаолият юритадиган "Суяров Жаҳонгир Бахтиёрович" хусусий фирмасининг гипс ишлаб чиқариш цехи тегишли тартибда газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатган ҳолда фаолият кўрсатаётган бўлса-да, туман газ таъминоти корхонаси ходимлари "Ўзнефтгазинспекцияси"нинг рухсатномасини олишни талаб қилган ва тадбиркорни огоҳлантирмасдан газ тармоғидан узиб қўйган. Оқибатда корхона фаолияти тўхтаб қолган. Фирма раҳбари бу ҳақда "Ишонч телефони"га мурожаат қилди.

Ўрганиш натижасида хусусий корхона газ тармоғидан шартнома шартларига зид равишда узиб қўйилгани ва оқибатда ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолганлиги аниқланди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолати юзасидан "Шаҳрисабзтумангаз" корхонасига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан қонун бузилишига йўл қўйган туман газ корхонаси ходими Ш.Очиловга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди. «Гипс» ишлаб чиқариш цехи эса, газ тармоғига уланиши таъминланди.

Бундан ташқари адлия идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат қилувчи идоралар томонидан текширишлар ўтказиш чоғида текширишларни рўйхатга олиш китобининг тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлиги юзасидан тизимли мониторинг амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 11 мингдан зиёд текширишларни рўйхатга олиш китоби мониторинг қилинди. Бу жараёнда 2286 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақдимнома, кўрсатма ва огоҳномалар киритилди.

Амалга оширилаётган бу каби ишларнинг самарадорлигини ошириш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда ушбу вазифани амалга оширишда 30 га яқин қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси амалда таъминланаётгани, бу борадаги қонунлар йилдан-йилга такомиллаштирилаётгани жамиятимизда бу соҳанинг етакчи куч сифатида намоён бўлишига, иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланишига замин яратмоқда.

Бахтиёр УМАРОВ,
Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Mas`uliyat va majburiyat

Йўл ҳаракати қоидалари

унга қатъий риоя этиш ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунда, албатта, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг аҳамияти катта. Чунки ушбу кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда аҳоли ҳаёти ва саломатлигини таъминлашга қаратилган. Қонунга мувофиқ, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, маст ҳолатдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилди.

Чунки транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг энг хавфлиси транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришдир. Бу сир эмаски, турли хил кўнгилсизликларга олиб келади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, учқўрғонлик Б.Жўраев спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолда амакиси Б.Жўраевга тегишли "Nexia" русумли автомашинани "Учқўрғон-Ҳаққулобод" йўналишида бошқариб кетаётиб, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бир қатор бандлари талабларини қўпол равишда бузади. Натижада йўлнинг қарама-қарши томонида ҳаракатланаётган Дониёр Аҳмадалиев бошқарувидаги "Nexia" русумли автомашина билан тўқнашиб кетади. Бу ҳам етмагандек, Б. Жўраев ҳаракатланишни давом эттириб, йўлнинг ўнг томонида велосипедда бораётган, вояга етмаган И.Собиржоновни уриб юборади ва жабрланувчига дарҳол ёрдам кўрсатиш ўрнига жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида қочиб қолади. Натижада оғир тан жароҳати олган И.Собиржанов воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади.

Бундан ташқари янгиқўрғонлик Ж.Кароматов М.Шокировга тегишли "Nexia" русумли автомашинани "Янгиқўрғон-Нанай" йўналишида бошқариб борётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасдан, вояга етмаган Жавоҳир Пўлатовни уриб юборади.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак, Наманган вилоятида транспорт воситаларини алкоголли ичимлик таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлик, худди шундай ҳуқуқбузарликни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этганлик, маст ҳолдаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун 2013 йилнинг биринчи ярмида минг нафардан зиёд шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 47 нафар ҳуқуқбузарга жарима, 174 нафар ҳуқуқбузарга маъмурий қамоқ, 821 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳар биримиз йўл ҳаракати қоидаларини чуқур билиб, унга қатъий амал қилсак, ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлаган бўламиз.

Мансур ИБРАГИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Fuqarolik qonunchiligi

Қонуний тузилган битим

ортиқча оворагарчиликка ўрин қолдирмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Лекин ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар қонун талабига риоя этишдан кўра, вазиятни ўз фойдасига ҳал қилишга уринишдан ҳам тап тортмайди.

Мисол учун, Р.Қосимов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Гап шундаки, Р.Қосимов жиянининг илтимосига кўра, Келес шаҳарчаси С.Исломов номидаги кўчада жойлашган ўзига тегишли 8-уйни гаровга қўйган. Чунки унинг фуқаро Э.Сепаковдан 41 минг АҚШ доллари миқдорида қарзи бўлган. Қарз қайтарилишининг таъминоти сифатида уй гаровга қўйилган. Бироқ кейинчалик Р.Қосимов гўёки нотариал идорада Э.Сепаков билан А.Адилов ўртасида уй олди-сотди шартномаси тузилганидан хабар топган.

Суднинг 2013 йил 28 мартдаги ҳал қилув қарори билан Р.Қосимовнинг даъво талаби рад этилган. Чунки маълум бўлишича, ушбу уй-жой масаласида тарафлар ўртасида суднинг қонуний кучга кирган 2012 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори мавжуд бўлган. Унга кўра, даъвогар А.Адиловнинг жавобгарлар Р.Қосимов ва унинг оила аъзоларига нисбатан низоли уйдан кўчириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилган.

Суд мажлисида аниқланишича, Р.Қосимов томонидан ўзига тегишли уй-жой давлат нотариал идорасида 2011 йил 17 март куни ўз истак-хоҳишига асосан А.Адиловга сотилган. Ушбу ҳолатни Р.Қосимов томонидан шартнома тузилган пайтда, яъни 2011 йил 17 март куни А.Адилов номига ўз қўли билан ёзиб берган тилхати ҳам тасдиқлайди.

Тилхат мазмунидан кўринишича, Р.Қосимов А.Адиловга уй-жойини сотиб, келишилган пулларни ундан тўлиқ олган. Шунга кўра, у 2011 йил 2 апрелда оиласи билан ушбу уйдан кўчиб чиқиб кетиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Ушбу инкор этиб бўлмайдиган далилларнинг мавжудлиги суд томонидан даъвогар Р.Қосимовнинг қонуний тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабини рад этиш учун асос бўлди.

Айрим ҳолларда эса, фуқаролар уй-жой сотиб олаётганда эгалик ҳуқуқини расмийлаштирмасдан, оғзаки гапсўзларга ишониб иш тутишади. Масалан, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган Д.Қосимовнинг хатти-ҳаракати бунинг яққол далили, десак хато бўлмайди. У Ш.Иноқова орқали Ж.Умаровага тегишли қурилиши тугалланмаган Қибрай тумани "Марказий" кўчадаги 194-уйни ўзи таъмирлаб олиш шарти билан 15 минг АҚШ долларига сотиб олишга келишган. Уй учун 1,5 минг АҚШ доллари миқдорида закалат берган. Орадан кўп ўтмай уй эгаси пул зарурлиги учун маҳалла раиси Б.Маҳмудова ва бошқалар иштирокида Д.Қосимовадан яна 2,5 минг АҚШ доллари олган. Шундан сўнг у фарзандлари билан ушбу хонадонга кўчиб келган. 2011 йил 10 сентябрига қадар эса, келишилган суммани уй эгасига тўлаб бўлган. Лекин Ж.Умарова нотариал идорага олди-сотдини расмийлаштириш учун келмасдан, уни уйдан кўчириш тўғрисида судга мурожаат қилган.

Аниқланишича, Д.Қосимова Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига асосан ўз талабларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт бўлгани ҳолда, низоли уйни сотиб олганлигини тасдиқловчи ёзма далилларни судга тақдим эта олмаган.

Қолаверса, қонуний кучда бўлган суд қарорига асосан уйнинг мулкдори Ж.Умарованинг даъво талаби асосида Д.Қосимова Қибрай тумани, "Марказий" кўчаси 194-уйдан кўчирилиши белгиланиб, ушбу суд қарори тегишлича ижро қилинган. Ушбу суд мажлисларида ҳам Д.Қосимовага олди-сотди битимини ҳақиқий, деб топиш тўғрисида қарши даъво ариза бериш ҳуқуқи тушунтирилганига қарамай, у ўз вақтида бундай талаб билан мурожаат қилмаган.

Бундай ҳолатда биринчи инстанция суди ҳамда вилоят судининг кассация инстанцияси тарафлар ўртасида уй олди-сотди битимига оид муносабатлар якунига етказилмаганлиги, мавжуд бўлган ҳолат эса, битимни ҳақиқий деб топиш учун асос бўла олмаганлигини эътиборга олиб, Д.Қосимованинг даъво талабини рад этиш хусусида асосли хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 109-моддасига асосан битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатмаси билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Ушбу кодекснинг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Судларда битимларнинг ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги юзасидан низоларни ҳал этишда давлат божи билан боғлиқ ҳамда бошқа суд харажатлари амалга оширилади. Хусусан, даъвогар судга ариза беришда даъво қийматига мос равишда давлат божи ставкалари билан белгиланган миқдорда давлат божи тўлайди. Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради. Бу эса, қарздорнинг зиммасига ўз-ўзидан қарз суммаси, унинг фоизлари ва суд харажатлари (шу жумладан, даъвогар тўлаган давлат божи қиймати) билан боғлиқ қўшимча моддий мажбуриятларни юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай битимлар қонунда назарда тутилган тартибда ёзма равишда ва нотариал тасдиқланган ҳамда давлат рўйхатида қайд этилган ҳолда тузилиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолмайди ва фуқаролар ўз ҳуқуқлари бузилишининг олдини олган бўладилар.

Ҳабибулла ЖУЗБАНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг мутахассиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Фириб тўри

Суд очерки

Бу ҳаётда ишонч, меҳр-оқибат сингари юксак фазилатлар одамлар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаб қолмай, кишини хайрли ва эзгу ишларга ҳам ундайди. Шу боисдан ҳам инсон умрига ўзгача файз ва тароват бахш этувчи бундай фазилатларни бағрикенг ва саховатли халқимиз азал-азалдан улуғлаб келган. Бироқ турмушда ўзгаларнинг ишончини, беминнат ёрдамини суиистеъмол қилиш орқали ўзининг ғаразли ниятини амалга оширишни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туради.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Ҳамроҳинг қувноқ бўлса, йўлда зерикмайсан.

* * *

Камчиликларимизни тўғрилаб, хатоларимизни тузатсак – энг юксак бахт шу.

* * *

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.

* * *

Ишонч — дўстликнинг биринчи шарти.

* * *

Бир дақиқалик эриниш бир умрлик пушаймонлик келтиради.

* * *

Хоҳиш-истакда одамнинг моҳияти ифодаланади.

* * *

Ҳунари ва одоби бўлмаган кишидан бахт ва давлат кетади.

* * *

Инсон ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута олса, бу мардлик ва олижаноблик нишонасидир.

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан вафот этган шахснинг оила аъзоларига мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўланадими?

З. БАДАЛОВА,
Тошлоқ тумани

— Ҳа, тўланади. 2008 йил 28 августдаги "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида бу масалага тўхталиб ўтилган. Ушбу моддага асосан, суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн маросимини ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда тўланади.

Саволга ҳуқуқшунос С.Ниёзова жавоб берди.

2013-yil — «Obod turmush yili»

Бунёдкорликдан обод манзиллар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қишлоқларда уй-жой, ижтимоий-маданий, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа объектларини мустаҳкам, сифатли қуриш, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, транспорт ва коммуникация хизматлари каби инфратузилма тармоқлари тобора ривожланаётир. Бу жараёнда "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси янги уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шарти билан буюртмачи сифатида қурилиш ишларининг тез ва сифатли амалга оширилишини таъминламоқда. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ўнлаб янги корхоналар ташкил этилди. Замонавий уй-жойлар 15 йил муддатга имтиёзли кредит асосида берилаётгани аҳоли учун, айниқса, катта қулайлик яратди.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг янада тўкин ва фаровон ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши, ўз орзу-истакларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, жаҳоннинг кўплаб давлатларида уй-жой аҳолининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз сабаб турар-жойлар қурилиши кескин қисқараётган бир пайтда Ўзбекистонда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Айтиш жоизки, миллий анъаналаримиз ва замонавий талабларни ўзида мужассам этган намунавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган янги уйлар қишлоқлараро маҳалла гузари, юздан ортиқ савдо мажмуаси, ўттизга яқин мини-банк, ўттиз бешта деҳқон бозори, бир юз йигирмадан ортиқ ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилгани бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги вақтда юртимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

"Ипотекабанк"дан маълум қилишларича, 2013 йилда Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида йигирмата кўп қаватли уй қурилишини молиялаштириш учун пудратчи қурилиш ташкилотларига 61,7 миллиард сўм ажратилган. Ўтган тўққиз ойда уйларнинг ўнтаси фойдаланишга топширилган. Йил охирига қадар яна бештасини эгаларига топшириш режалаштирилган. 2014-2015 йилларда 865 хонадонли ўттизта кўп қаватли уй қурилиши молиялаштирилади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг ўтган йигирма икки йили мобайнида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг, одамларимиз онгу тафаккурида рўй бераётган улкан ўзгаришларнинг амалдаги ифодасидир.

Лолахон НИШОНОВА

Jinoyatga jazo muqarrar

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Масалан, чироқчилик Шерали Ниёзов бир пайтнинг ўзида тумандаги "Махмуд Ниёзов" номли тайёрлов-савдо ишлаб чиқариш МЧЖ бошлиғи, "Шерзод" тайёрлов савдо ишлаб чиқариш жамоа корхонаси бош ҳисобчиси ҳамда "Илон тилла балиқ" МЧЖ раиси лавозимларида фаолият кўрсатарди. Очиғи, унинг ғайрат-шижоатига, ишнинг кўзини билишига кўпчилик ҳавас билан қararди. Бироқ у негадир бу ишлар билан ҳам қаноатланмай, янада кўпроқ пул топиш васвасасига чалинади. Шу тариқа нафс қутқусига учган Шерали фирибгарлик йўли билан мўмай даромад орттиришдек нопок режаларни туза бошлайди. Кунларнинг бирида Ш.Ниёзов таниши Нигора Қулмуродовани учратиб қолади. Суҳбат асносида Нигора Шералига "Нексия" русумли автомашина сотиб олиш нияти борлигини айтади. Ўша кездаёқ Шералининг кўнглига шум ният оралайди:

— Агар менга ишонсангиз, яп-янги автомашина сотиб олишингизга ёрдам бераман. "Нексия"ни менинг хусусий фирмам орқали оласиз. Танишларим бор, бир оғиз айтсам, ҳал қилиб беришади. Қарабсизки, бир ой ичида янги машинали бўласиз, — дейди у.

Шералининг ёлғон ваъдаларига астойдил ишонган Н.Қулмуродова отаси Қ.Қулмуродовнинг гувоҳлигида 18 миллион 500 минг сўм пулни қўшқўллаб унга тутқазади.

Орадан кўз очиб юмгунча бир ой муддат ҳам ўтиб кетади. Афсуски, Ш.Ниёзов Н.Қулмуродовага қуруқ ваъдалар беришдан нарига ўтмайди. Шундан сўнг Нигора ўзини ўта ҳожатбарор қилиб кўрсатган бу кимсанинг алдовларига "чув" тушганини англаб етади.

Шу тариқа қинғирликнинг ҳадисини олган Ш.Ниёзов содда одамларни лақиллатишни давом эттиради. Бу орада у ҳамкишлоғи, оилавий тадбиркор Жўра Очиловнинг савдосотиқ ишларини юритиш учун банкдан 8 миллион сўм кредит маблағи олаётганидан хабар топади. Шерали Ж.Очиловнинг кўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бу пулни ўзи бошчилик қилаётган "Махмуд Ниёзов" номидаги тайёрлов-савдо ишлаб чиқариш МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказишга кўндиради. Ш.Ниёзовнинг озиқ-овқат маҳсулотларини осон ва қулай усул билан етказиб бериш тўғрисидаги таклифи Ж.Очиловга маъқул келади. Қарабсизки, 8 миллион сўм миқдоридаги маблағ тез орада "Махмуд Ниёзов" номли МЧЖ ҳисоб рақамига келиб тушади. Бундан ҳаволанган "уддабурон раҳбар" ўзининг жиноий фаолиятини яна давом эттиради ва бу гал унинг фириб тузоғига Чироқчи туманидаги "Саимабону Раҳимовна" хусусий фирма раҳбари Раҳим Валиев оппаосон илинади. Унинг "Халқ банки"нинг туман филиалидан чорвачиликни ривожлантириш учун 35 миллион сўм кредит маблағи олаётганидан хабар топган Шерали яна ўз найрангини ишга солади.

— Мен ҳам шу банкнинг мижозиман. Сиз маблағни бемалол менинг корхонам ҳисоб рақамига туширишингиз мумкин. Тез орада маблағнинг 18 миллионига чорва моллари, 17 миллионига эса, ем етказиб беришни бўйнимга оламан, — дейди у жиддий қиёфада.

Шералининг ҳавойи ваъдаларига ишонган Р.Валиев шу куни тарафлар ўртасида тузилган шартномага имзо чекади. Бироқ ўша кезда Раҳим бу "ишончли ҳамкор" маблағни ўз ҳисоб рақамига тушириб олгач, қорасини кўрсатмай кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди...

Ш.Ниёзов бу билан кифояланиб қолмай, Шаҳрисабз туманида фаолият юритаётган "Сафар Актамович" хусусий корхонаси бошлиғи Ахрор Жўраевни ҳам ўзининг фириб тўрига илинтиради. Шерали Ахрорнинг ОАТ "Микрокредитбанк"нинг Шаҳрисабз тумани филиалидан 85 миллион сўм кредит маблағи олаётганини билгач, алдов йўли билан А.Жўраевнинг ишончини қозонади. Шерали унга бир ой ичида нон ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатишни ваъда қилиб, 50 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағини ўзи раҳбарлик қилаётган "Илон тилла балиқ" МЧЖ ҳисоб рақамига тушириб олишга эришади.

Афсуски, орадан қарийб бир йил ўтса-да, Шерали ваъда қилган ускуналарни ўрнатиб беришни хаёлига ҳам келтирмайди.

Бу орада Ш.Ниёзов раҳбарлик қилаётган "Маҳмуд Ниёзов" номидаги тайёрлов савдо МЧЖда солиқ қонунчилиги юзасидан текширув ўтказилади ва унда 2009-2011 йиллар мобайнида мазкур масъулияти чекланган жамият томонидан жами 442 миллион 833 минг 500 сўмлик савдо фаолиятидан олинган тушумлар яширилиб, ноқонуний ҳисобот тақдим этилгани ошкор бўлади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган суриштирув ва текширув чоғида "ишбилармон"нинг барча кирдикорлиги фош бўлиб қолди ва Ш.Ниёзовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд Ш.Ниёзовга нисбатан қонуний жазо тайинлади ва жабрланувчилар -Н.Қулмуродовага 18 миллион 500 сўм, Ж.Очиловга 8 миллион сўм, Р.Валиевга 35 миллион сўм, А.Жўраевга 50 миллион сўм ва Чироқчи тумани давлат солиқ идораси фойдасига 442 миллион 833 минг сўм ундришни лозим, деб топди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ш.Ниёзовнинг фириб тузоғига илинганларнинг барчаси ақли расо, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлишларига қарамай, қонуний йўл қолиб, ўз мақсадларига турли қинғир йўллар билан эришишга урининганлар. Аниқроқ айтганда, улар бу хатти-ҳаракатлари билан фирибгарнинг тегирмонига сув қуйишган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кимки ноқонуний йўллар билан мулкий наф кўришга уринса, кун келиб, бир кун, албатта, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Шу боисдан ҳам ҳар қандай жиноятга нисбатан жазонинг муқаррарлигини, фақатгина қонун доирасида, виждон амрига бўйсунган ҳолда фаолият юритиш лозимлигини доимо ёдда тутиш лозим.

Фозил ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Бу дунёда кишини ҳайратга соладиган, баъзан моҳиятига етишга ақл ожиз қоладиган сирли воқеа-ҳодисалар кўплаб учрайди.

Биз билган ва билмаган дунё

СИРЛАРГА ТЎЛА ОЛАМ

Масалан, Чили ҳудудида жойлашган Пасха ороли дунёдаги энг сирли жойлардан бири сифатида узоқ йиллардан буён одамларнинг эътиборини ўзига тортиб келади. Гап шундаки, ушбу оролда оғирлиги 90 тонна, баландлиги 21 метрга етувчи тош ҳайкаллар қад ростлаб туради. Тарихий манбаларда қайд этилишича, бу ҳайкаллар бундан бир неча минг йил муқаддам, айни пайтда турган еридан 20 километр узоқда ясалган. Ажабланарлиси шундаки, бугунги кунда ҳам 90 тоннали юкни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ўта мураккаб юмуш ҳисобланган бир пайтда ушбу баҳайбат ҳайкалларни ўша вақтда қандай қилиб 20 километр масофага кўчириб келинганига сира ақл бовар қилмайди.

Шотландиядаги Лох-Несс кўлининг номи тарихда биринчи марта 1325 йилда тилга олинган. Аниқроқ айтганда, ўша пайтдаги кўлёзмаларда ушбу кўлда қандайдир улкан мавжудот яшаши қайд этилган. Буни қарангки, ушбу номаълум мавжудот билан боғлиқ турли-туман шов-шувли хабарлар бизнинг асримизда ҳам давом этмоқда. Гарчи шотландияликлар томонидан меҳр билан Несси деб аталувчи бу мавжудотнинг ҳақиқатан ҳам борлиги ҳали фан томонидан ўз исботини топмаган бўлса-да, уни ўз кўзи билан кўрганларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Несси билан боғлиқ изланишлар Шотландияда 1971-1975 йиллар давомида олиб борилган. Ўшанда кўл бўйлаб кўплаб камера ва микрофонлар ўрнатилган ва уларнинг ёрдамида тана узунлиги тахминан 9 метр бўлган жонзот тасвирга туширилган. 2003 йилда бир гуруҳ тадқиқотчилар бу жумбоқнинг ечимини топиш илинжида яна кўлни текширишга киришишди. Аммо кўлнинг тубини қадам-бақадам текшириб чиққан ғоввослар гуруҳи ҳеч ваҚо топа олишмади. 2007 йилда эса, кўлда махсус ўрнатилган камераларда кутилмаганда яна ўша 9 метрли жонзотнинг тасвири пайдо бўлди.

Хўш, бу қандай сирли жонзот? У ҳақиқатан ҳам мавжудми ё бу одамларнинг уйдирмасими? Бу каби саволлар ҳалиҳануз олимларни қизиқтириб келмоқда.

Ҳиндистондаги Жатинга қишлоғи ҳам сайёрамизнинг энг сирли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу қишлоқда ҳар йили муайян бир ойнинг бир кунида қушлар галаси кутилмаганда нобуд бўлади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, қушлар тўдаси айнан қишлоқ устидан учиб ўтаётиб, бирдан аянчли товушда чинқирганча ўзларини ерга отиб, нобуд бўлишар экан. Бу ғаройиб ҳодисани ўрганиб чиққан бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг фикрича, бу қишлоқ шамоллар тўлқини тўқнашадиган ҳудудда жойлашган бўлиб, айнан шамол кучайган пайтда қушлар осмонда ўз устидан назоратни йўқотиб қўйиб, ерга қулашади. Маҳаллий аҳолининг фикрича эса, қушларнинг айнан ўша жойда жон таслим қилиши бу қишлоқнинг илоҳий қудратга эга эканлигидан дарак беради ва улар буни яхшиликка йўядилар.

АҚШнинг Калифорния штатида Винчестирлар уйи деб ном олган антиқа хонадон бор. Айтишларича, бу уйда Сара Винчестир исмли бева аёл яшаган бўлиб, унга эридан мўмайгина мерос қолган. Кунларнинг бирида Саранинг тушига марҳум эри кириб, унга мерос қилиб қолдирган маблағи ҳалол йўл билан топилмагани, Винчестирлар авлоди қарғишга учрагани ва алданган одамлар руҳи энди Сарани ҳам таъқиб этишини айтади. Шунингдек, марҳум эри Сарага уйда доимий равишда қурилиш олиб бормаса, унинг ҳаёти ҳам хавф остида қолишини маълум қилади.

Марҳум эрининг бундай талабидан сўнг Сара қурилиш ишларини бошлаб юборади. Усталарнинг кеча-ю-кундуз меҳнати эвазига аста-секин бирбиридан чиройли хоналар қад ростлай бошлайди. Шу йўсинда қурилиш ишлари 38 йил давом этади. Охир-оқибат 160 хоналик улкан бино барпо этилади ва уй бекасининг вафоти бу ниҳоясиз қурилишга нуқта қўяди. Айни пайтда бу бино Калифорниянинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиб қолган.

Сурия нинг Ресоф шаҳрида эса, "Кумуш қудуқ" номи билан машҳур жой бор. Қизиқ томони шундаки, бу қудуқ тубидан олинадиган сув ажойиб хусусиятга эга. Аниқроқ айтганда, қудуқдан олинган сув дастлаб лойқа ва қумдан иборат тўқ жигарранг кўринишда бўлади. Аммо бир неча соатдан сўнг бу сув тиниб, тозалиги ва таъми бўйича дунёда кам учрайдиган оби-ҳаётга айланади. Бу мўъжизанинг сирини ҳалигача ҳеч ким аниқлай олган эмас.

АҚШнинг Колорадо штатида жойлашган қоя ҳам ўзининг сир-синоати билан кўпчиликнинг эътиборини тортиб келади. Ажабланарлиси шундаки, "Шайтон қоя" деб ном олган бу чўққига чиққан одамнинг ортга қайтиши амри-маҳол. Шу боис бу чўққига чиқишга ҳеч ким журъат этмайди. Фақат кунлардан бир кун Эдуард Томсон деган кимса бундай гап-сўзларга барҳам бериш мақсадида чўққига кўтарилади. У бир амаллаб чўққига чиққач, нафасини ростлайди ва сўнг пастга тушишга тараддуд кўра бошлайди. Бироқ кутилмаган воқеа рўй беради: у ўзи билан бирга олиб чиққан арқон ва махсус асбоблар сирли равишда ўз-ўзидан узилиб кетаверарди. Буни кўриб, эсхонаси чиқиб кетган Томсон телефон орқали қутқарувчиларни чақиришга тушади. Лекин бахтга қарши вертолётда етиб келган бир гуруҳ қутқарувчилар ҳам унга ёрдам бера олмайди. Гап шундаки, қутқарувчиларнинг ҳам арқонлари бирин-кетин пастга тушгунча сирли равишда узилиб кетарди. Бу ҳолатдан ваҳимага тушган қутқарувчилар ҳам орқага қайтишга мажбур бўлишади. Натижада бир неча кун қоя тепасида қолиб кетган Томсонни фақат маҳаллий альпинистлар гуруҳи ерга олиб тушишга муваффақ бўлган. Томсон эса, шайтон қоясига қайта қадам босмасликка аҳд қилган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси ҳуқуқшунос **Пўлат САМАТОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6218.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰